



43

2013 у.р. "26" декабр № 1541-К Самарқанд т-р Самарқанд

“Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини
“Ёшлик” маҳалласида фуқаро Файзуллаев
Сухроб Шодиевичга пайвандлаш цехи
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”

“Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хўжа Ахрори вали” маҳалласида яшовчи
фуқаро Файзуллаев Сухроб Шодиевич туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб,
“Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ёшлик” маҳалласи ҳудудидан пайвандлаш цехи
қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Ўқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик
фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан
такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг тузган
далолатномасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Хўжа Ахрори вали” маҳалласида яшовчи
фуқаро Файзуллаев Сухроб Шодиевичга “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ёшлик”
маҳалласи ҳудудидан пайвандлаш цехи қуриш учун 0.03 га (шундан қурилиш тагидаги
майдон 180 м.кв) қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер
майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси
тасдиқлансин.

2. Фуқаро Файзуллаев Сухроб Шодиевичга пайвандлаш цехини қуришдан олдин
қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига
амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб
Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи
ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев